



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Бизнес кайфияти шарҳи

2026 йил I чорак



Бизнес кайфияти шарҳи – Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидаги иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик муҳити ва бандлик билан боғлиқ тенденцияларни муқобил кўрсаткичлар орқали ўзида ифода этади.



Ушбу шарҳ 2026 йилнинг I чорагида мамлакатда шаклланган бизнес кайфиятини ўрганиш мақсадида 2026 йилнинг апрель ойида ҳудудларда ўтказилган сўров натижалари асосида тайёрланди. Сўровда мамлакатнинг барча ҳудудлари тўлиқ қамраб олинган бўлиб, иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритувчи икки мингдан ортиқ тадбиркорлар ижтимоий тармоқлар орқали иштирок этди. Бунда, тадбиркорлик фаолияти йўналишларини кенгроқ қамраб олиш ва репрезентативликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Сўровнома ҳудудлардаги иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик шароитлари ва муҳитига таъсир қилувчи омиллар, энергия истеъмоли ҳажми ўзгариши, юк ташиш кўрсаткичлари, соҳаларда ишчи кучига бўлган талаб, бандлик даражаси, савдо ҳажми ҳамда соҳа истиқболи бўйича жорий ҳолат ва кутилмаларни аниқлаш бўйича саволлардан ташкил топган.

Ҳар бир саволга бир нечта жавоб вариантлари бириктирилган бўлиб, қатнашувчилар томонидан бир пайтнинг ўзида улардан бир ёки бир нечтаси танланиши мумкин. Натижалар ҳар бир жавоб вариантини танлаганлар сонини умумий жавоблар сонига бўлиш ва алоҳида гуруҳлар бўйича вазнли коэффицентлар қўллаш орқали умумлаштирилган. Умумлаштирилган маълумотлар тақсимот қоидалари асосида таҳлил қилиниб, ўртача кўрсаткичлар билан таққосланган.

Таҳлиллар мамлакатнинг турли ҳудудларидаги иқтисодий шароитларни қиёсий таққослаш ва уларнинг ўзгариш тенденцияларини сифат жиҳатидан ўрганиш имконини беради.

Умумий хулосалар

Тадбиркорлик муҳити

2026 йилнинг I чораги якунлари бўйича тадбиркорлик фаолиятини ўрганиш натижалари республикадаги бизнес юритиш муҳитида ижобий тенденциялар давом этаётганини кўрсатмоқда. Сўровномада иштирок этган тадбиркорларнинг* 64 фоизи бизнес шароитлари нисбатан яхшиланганини (*ўтган йилнинг мос даврида 56 фоиз*) таъкидлаган. Ушбу кўрсаткич сўнгги икки йил давомида ўртача 50 фоиздан юқори даражада сақланиб келмоқда ва бу тадбиркорлар ишончининг барқарорлигидан далолат беради.

Респондентлар бизнес муҳитидаги ижобий ўзгаришларни, аввало, банк хизматлари сифати ва рақобат муҳити яхшилангани, лицензия олиш жараёнлари соддалашгани ҳамда маъмурий аралашувлар биров камайгани билан изоҳлашган. Шу билан бирга, монополлашув даражаси, солиқ маъмурчилиги, энергия таъминоти ва божхона тарифлари бўйича ҳолат ўтган йил даражасида сақланиб қолди.

Иқтисодий фаоллик

Мазкур чорада юк ташиш ҳажмлари, кўшимча ишчи кучига бўлган талаб ҳамда ишлаб чиқариш ва буюртма ҳажмлари ошганини таъкидлаган тадбиркорлар улуши ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан 8-10 фоизга кўпайди. Айниқса, буюртмалар кўпайганини билдирганлар улуши 11 фоиз бандга ошиб, 57 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич Тошкент вилояти, Навоий, Андижон, Наманган ва Хоразм вилоятларида яққол намоён бўлиб, бунга асосан, ишлаб чиқариш, туризм, таълим, умумий овқатланиш ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари асосий ҳисса қўшди.

Ишлаб чиқариш қувватларидан юқори фойдаланиш даражаси Фарғона ва Бухоро вилоятларида сезиларли ошган бўлса, Хоразм, Андижон, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида пасайди. Тадбиркорлар томонидан энергия таъминотидаги узилишлар, солиқ тизимидаги мураккабликлар, ички талабнинг етарли эмаслиги, автомобиллар учун ёнилғи нархларининг қимматлашиши ва айланма маблағларининг камлиги тўлиқ қувватда фаолият юритмасликнинг асосий сабаблари сифатида қайд этилди.

* Сўровда жами 2 487 та тадбиркорлар иштирок этди.

Бандлик

2026 йилнинг I чораги давомида меҳнат бозорида фаоллик барқарор даражада шаклланиб, аксарият корхоналарнинг қўшимча ишчи кучига бўлган талаби кўпайгани таъкидланди. Жумладан, I чорақда ишчи кучига талаби ошганини билдирган тадбиркорлик субъектлари улуши ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан 5,6 фоиз бандга ошиб, 50,4 фоизга етди.

Келгуси чорақларда Андижон, Наманган, Сирдарё ва Навоий вилоятларида қўшимча ишчи кучига талабнинг юқори даражада ортиши, Жиззах, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида эса ўзгаришсиз қолиши кутилмоқда. Ишлаб чиқариш, қурилиш, туризм ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида қўшимча ишчи кучига талаб бошқа соҳаларга нисбатан юқори шаклланиши кутилмоқда.

Молиявий ҳолат

Тадбиркорлар орасида сўнги уч ой давомида қарз мажбуриятлари ошганини билдирган тадбиркорлар улуши бироз камайиб, 38 фоизни ташкил этди. Шундай бўлса-да, қўшимча кредитларга бўлган талаб борасидаги кутилмаларда ўсувчи тенденциялар сақланиб қолмоқда (*респондентларнинг 49 фоизи келгусида қарз мажбуриятлари ошишини кутишмоқда*). Навоий, Наманган, Андижон ва Сирдарё вилоятларида келгуси чорақда кредит ресурсларига эҳтиёж сезиларли ошиши кутилаётган бўлса, аксинча, Фарғона, Сурхондарё ҳамда Жиззах вилоятларида эҳтиёж пасайиши кутилмоқда. Бунда, қурилиш, ишлаб чиқариш, маиший хизмат, қишлоқ хўжалиги ва умумий овқатланиш соҳаларида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар томонидан келгусида кредит маблағларига нисбатан юқори эҳтиёж мавжудлиги билдирилди.

Истиқболлар

Ўрта муддатли истиқболда, тадбиркорларнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига бўлган ишончи ижобий сақланиб қолмоқда. 2025 йилнинг дастлабки чорагидан буён ижобийлик даражаси сезиларли яхшиланиб, 2026 йил I чорақда сўровларда иштирок этган бизнес субъектларининг 71 фоизи келгуси даврда макроиқтисодий шароитлар яхшиланишига ишонч билдирган.



Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти

2026 йилнинг I чорагида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида респондентларнинг 60 фоизи бизнес шарт-шароитларини яхшиланган деб баҳолади. Ушбу кўрсаткич 2025 йилнинг мос чорагига нисбатан 14 фоиз бандга ошди. Хусусан, умумий овқатланиш, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги коммунал хизматлар ва таълим соҳаларида бизнес муҳити яхшиланганини таъкидлаганлар улуши сезиларли даражада кўпайган.

Сўровларда иштирок этган бизнес субъектлар томонидан банк хизматларининг сифати ва кредит олиш имкониятлари яхшилангани, шунингдек, рақобат муҳити, лицензия-гувоҳнома, маъмурий аралашувлар ҳамда электр энергияси таъминотида ижобий ўзгаришлар кузатилгани қайд этилди.

Тадбиркорлар томонидан йўл инфратузилмаси, монополлашув даражаси, солиқ маъмурчилиги ва божхона тарифларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмаганлиги қайд этилди.

Ушбу ҳудудларда буюртмалар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошганини қайд этган тадбиркорлар улуши ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан мос равишда 11 ва 17 фоиз бандга юқори шаклланди.

Бунда, молия, туризм, маиший хизмат ва қишлоқ хўжалиги соҳаси вакилларининг асосий қисми буюртмалар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошганлигини билдиришган.


Шунингдек, тадбиркорларнинг 53 фоизи энергия истеъмоллари ошганини маълум қилди. Юқори ўсиш суръатлари ташиш, туризм, умумий овқатланиш ва тиббиёт соҳаларига тўғри келган.

Меҳнат бозори ҳам фаоллашди. Қўшимча ишчи кучига талаб кўпайганини билдирганлар улуши 16 фоиз бандга ошди. Бунда, туризм, қурилиш, маиший хизмат ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишчи кучига бўлган эҳтиёж ортиши энг юқори бўлган.


1-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



2-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



3-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти

I чорақда юқори қувватда ишлаган корхоналар улуши 49 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан деярли ўзгаришсиз сақланиб қолди. Бунда, қурилиш, туризм ва тиббиёт соҳасидаги тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми нисбатан юқори қувватларда фаолият олиб бораётгани кузатилди.

Тўлиқ қувватда ишлай олмаётган бизнес субъектлари газ ва электр таъминотидаги узиллишлар, солиқ тизимидаги қийинчиликлар, юқори ижара харажатлари, айланма маблағнинг камлиги ҳамда автомобиль ёнилғисининг қимматлашувини асосий омил сифатида баҳолادилар.

Ушбу даврда сўровларда иштирок этган тадбиркорлик субъектларининг 60 фоизи ва ундан кўп қисми ёқилғи ва энергия истеъмоли, юк ташиш, ишлаб чиқариш ҳамда буюртма ҳажмлари ортишини кутмоқда. Ушбу кўрсаткич 2025 йилнинг I чорагида 45-50 фоизни ташкил этган. Бунда, туризм, таълим, маиший хизмат, умумий овқатланиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида нисбатан юқори кутилмалар шаклланган.

Қўшимча ишчи кучига талабнинг ошиши бўйича кутилмалар ҳам ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12 фоиз бандга юқори шаклланган. Молия, қурилиш, маиший хизмат, ишлаб чиқариш ҳамда туризм соҳаларида келгусида қўшимча ишчи кучига эҳтиёж юқори бўлиши мумкинлиги қайд этилди.


Шу билан бирга, келгусида қўшимча кредит ресурсларига эҳтиёж мавжудлигини таъкидлаган бизнес субъектларининг улуши ҳам 2025 йилнинг мос чорагига нисбатан бироз ошди. Кредитга бўлган талаб, айниқса, қурилиш, маиший хизмат, туризм ва молия соҳаларида ошиши кутилмоқда.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият олиб бораётган тадбиркорларнинг 70 фоизи келгуси уч йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ва бизнес муҳитининг яхшиланишига ишонч билдирган бўлиб, ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан сезиларли яхшиланди.


4-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



5-расм. Келгуси чорақ бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



6-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





Бухоро, Навоий, Самарқанд

2026 йилнинг I чорагида Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида ўтказилган сўров натижалари тадбиркорлик муҳитидаги ижобий тенденциялар барқарор давом этаётганини кўрсатди. Тадбиркорлик субъектларининг 63 фоизи бизнес шароитлари яхшиланганини таъкидлади. Ушбу ижобий ўзгаришлар туризм, таълим, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида сезиларли бўлганлиги қайд этилди.

Тадбиркорлар томонидан банк хизматлари сифати ва кредит олиш имкониятлари яхшилангани билан бирга, рақобат муҳити, лицензия олиш жараёнлари ҳамда маъмурий аралашувлардаги ижобий ўзгаришлар асосий омиллар сифатида қайд этилди. Аксинча, солиқ маъмурчилиги, газ ва электр таъминоти ҳамда божхона тарифлари йўналишларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмагани таъкидланди.


2026 йилнинг I чорагида иқтисодийда ишлаб чиқариш бўйича ижобий муҳит сақланиб қолди. Хусусан, буюртмалар, ишлаб чиқариш ҳамда қўшимча ишчи кучига бўлган талаб ошганини қайд этган субъектлар улуши 50 фоиз ва ундан юқори кўрсаткични ташкил этди ва ушбу кўрсаткичлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4-5 фоиз бандга ошди.

Буюртмалар ҳажми кўпайганлиги асосан, алоқа ва ахборот, тиббиёт ва туризм соҳалари ҳисобига таъминланди.


Қўшимча ишчи кучига бўлган талаб ишлаб чиқариш, қурилиш, туризм ва маиший хизматлар соҳаларида юқори бўлди.

Кредит тўловларида сезиларли ўзгариш кузатилмаганлиги қайд этилди. Кредит тўловлари ошганлигини билдирган тадбиркорларнинг улуши қурилиш, туризм ва ҳунармандчилик тармоқларида нисбатан юқори бўлди.


7-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



8-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



9-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Бухоро, Навоий, Самарқанд

Кузатув даврида юқори қувватларда фаолият олиб бораётган корхоналар улуши ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан 6 фоиз бандга камайиб, 46 фоизни ташкил этди. Бунда, туризм, қурилиш ва молия соҳаларидаги корхоналарнинг нисбатан пастроқ қувватларда фаолият олиб бораётгани кузатилди.

Тадбиркорлар томонидан тўлиқ қувватларда ишламасликнинг асосий сабаблари сифатида энергия таъминотидаги узилишлар, солиқ тизимидаги қийинчиликлар, ички талабнинг етарли даражада эмаслиги, ёнилғи-энергия маҳсулотлари нархининг қимматлашиши ҳамда айланма маблағнинг камлиги қайд этилди.

Сўровларда қатнашган бизнес субъектларининг келгусида юк ташиш ва ишлаб чиқариш ҳажмлари, шунингдек, қўшимча ишчи кучига талабнинг ошиши бўйича кутилмалари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори шаклланган.

Респондентларнинг 60 фоизи келгуси чорақда ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишини кутмоқда. Бу, айниқса, тиббиёт, коммунал хизмат, туризм ҳамда алоқа ва ахборот соҳаларида сезиларли бўлиши мумкин.

Меҳнат бозорида ҳам фаоллик юқори бўлиши кутилмоқда. Хусусан, алоқа ва ахборот, ишлаб чиқариш, қурилиш, туризм ва тиббиёт соҳаларида келгусида қўшимча ишчи кучига бўлган эҳтиёж юқори ошиши кутилмоқда.


Шу билан бирга, буюртмалар ҳажми ва кредит тўловлари бўйича кутилмалар деярли ўзгаришсиз сақланиб қолди.

Келгуси уч йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес муҳитининг янада яхшиланишига ишонч билдирган тадбиркорларнинг улуши ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан 11 фоиз бандга ошиб, 73 фоизни ташкил қилди.


10-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



11-расм. Келгуси чорақ бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



12-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





Андижон, Наманган, Фарғона

2026 йилнинг I чорагида Фарғона водийсида сўровларда иштирок этган бизнес субъектларининг 65 фоизи бизнес шароитлари яхшиланганини таъкидлади (2025 йилнинг I чорагида 57 фоиз). Хусусан, молия, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва таълим соҳаларида бизнес муҳити яхшиланганини таъкидлаганлар улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли даражада ошди.

Тадбиркорлар томонидан, асосан, банк хизматлари сифати ошгани, кредит ресурсларини олиш кенгайгани, лицензия ва гувоҳнома олиш жараёнлари ҳамда рақобат муҳитининг яхшиланаётгани, шу билан бирга, маъмурий аралашувлар камайгани қайд этилди. Монополлашув даражаси, солиқ маъмурчилиги, газ ва электр таъминоти ҳамда божхона тарифларида ижобий баҳолар нисбатан камроқ даражада шаклланди. Шундай бўлса-да, барча омилларда ҳолатнинг яхшиланганини қайд этганлар улуши ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан 10-15 фоиз бандгача ошган.

Иқтисодий фаоллик кўрсаткичларидан қўшимча ишчи кучига талаб, ишлаб чиқариш ва буюртмалар ҳажмининг ошганини билдирганлар улуши ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан 3-5 фоиз бандга кўпайган.


Корхоналарнинг 56 фоизи буюртмалар ҳажми кўпайганлигини билдирди. Бунда, умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва хунармандчилик соҳаларида буюртмалар ҳажми сезиларли ошган.

Тадбиркорларнинг 57 фоизи энергия истеъмоли ошганини маълум қилди.


Меҳнат бозорида ҳам ижобий фаоллик сақланиб, қўшимча ишчи кучига талаб коммунал хизмат, ишлаб чиқариш, умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш тармоқларида кўпайди.

Кредит тўловлари ошганини билдирган тадбиркорлар улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 11 фоиз бандга пастроқ шаклланди. Бунда, умумий овқатланиш, хунармандчилик, таълим, молия ва қурилиш соҳаларида кредит тўловлари ошганини қайд этган бизнес субъектлари улуши сезиларли камайган.


13-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



14-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



15-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Андижон, Наманган, Фарғона

Мазкур ҳудудларда юқори қувватларда ишлаётган корхоналар улуши ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан ўзгаришсиз қолиб, 51 фоизни ташкил этди. Молия, тиббиёт, алоқа ва ахборот, ҳамда ташиш хизматлари соҳалари нисбатан юқори қувватда фаолиятини давом эттирган.

Ишлаб чиқариш қувватларидан нисбатан ўрта ёки паст даражада фаолият юритиб келаётган корхоналар газ ва электр таъминотидаги узилишлар, ички талаб ва айланма маблағларнинг етарли эмаслиги, ёнилғининг қимматлашуви ҳамда солиқ тизимидаги қийинчиликларни асосий омиллар сифатида таъкидладилар.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар, умуман олганда, ижобий шаклланди. Ёқилғи ва энергия истеъмоли, ишлаб чиқариш ва буюртмалар ҳажми ҳамда қўшимча ишчи кучига талабнинг кўпайишини билдирганлар тадбиркорлар улуши ўтган йилга нисбатан 8-10 фоиз бандгача ошди.

Сўровларда иштирок этган бизнес субъектларининг 68 фоизи буюртмалар ҳажмининг ошишини кутаётганини билдирди. Келгуси даврда буюртмалар ҳажми ошиши асосан ҳунармандчилик, умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар томонидан қайд этилди.

Меҳнат бозорига оид кутилмаларда қўшимча ишчи кучига эҳтиёжни қурилиш, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва умумий овқатланиш соҳалари юқори баҳолаган бўлса, молия, таълим, ташиш хизмати, тиббиёт ҳамда алоқа ва ахборот соҳалари жорий ҳолатда сақланиб қолишини кутмоқда.


Кредит тўловлари ҳажми бўйича кутилмаларда ўзгаришлар деярли кузатилмади.

Сўровномада қатнашган бизнес вакилларининг 73 фоизи келгуси уч йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес муҳити яхшиланишига ишонч билдирди.


16-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



17-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



18-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





Қашқадарё, Сурхондарё

2026 йилнинг I чорагида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилган сўров натижалари тадбиркорлик муҳитидаги ижобий тенденциялар барқарор сақланаётганини кўрсатди.

Бизнес шарт-шароитлари яхшиланганини таъкидлаган тадбиркорлик субъектларининг улуши 70 фоизга тенг бўлди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан 9 фоиз бандга ошди. Бунда, тиббиёт, ишлаб чиқариш, хунармандчилик, таълим, ташиш ва маиший хизмат соҳаларида бизнес муҳити яхшиланганини билдирган тадбиркорлар улуши сезиларли кўпайган.

Ишбилармонларнинг қайд этишича, банк хизматлари сифати, кредит олиш имкониятларининг ортиши, рақобат муҳитининг яхшиланиши, шунингдек, маъмурий аралашувлар камайгани тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантирган асосий омиллардан бўлди.


Солиқ маъмурчилиги, энергия таъминоти, монополлашув даражаси ва божхона тарифлари бизнес кайфиятига ижобий таъсир этувчи омиллар орасида паст ўринларда бўлса-да, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан яхшиланган.

Иқтисодий фаоллик кўрсаткичларида ижобий ҳолат кузатилган бўлиб, бунда буюртма, юк ва ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпайганини билдирган тадбиркорлар улуши ўтган йилга нисбатан бироз ошган.

Респондентларнинг 56 фоизи буюртмалар ҳажмининг ошганини қайд этган. Хусусан, ишлаб чиқариш, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик тармоқларида ушбу кўрсаткич нисбатан юқори шаклланган.

Кредит тўловлари ошганини билдирган тадбиркорлар улуши эса 6 фоиз бандга пасайиб, 38 фоизни ташкил этди. Хунармандчилик, тиббиёт, молия ва қурилиш соҳаларида кредит тўловлари ошганини қайд этганлар улуши бошқа соҳаларга қараганда сезиларли паст бўлди.


19-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



20-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



21-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Қашқадарё, Сурхондарё

Нисбатан юқори қувватларда ишлаётган субъектлар улуши 2025 йилнинг мос чорагига нисбатан 10 фоиз бандга камайди ва 47 фоизни ташкил этди. Бунда, туризм, маиший хизмат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги юқори қувватларда фаолият юритаётган корхоналар улуши сезиларли камайган.

Тадбиркорлар тўлиқ қувватда ишламаслигига асосий омиллар сифатида газ ва электр энергияси таъминотидаги узилишлар, ички талаб ва айланма маблағларнинг етарли даражада эмаслиги, солиқ тизимидаги қийинчиликлар ҳамда ёнилғи нархининг ошишини қайд этдилар.

Келгуси даврдаги иқтисодий фаоллик бўйича бизнес субъектларининг ижобий кутилмалари сақланиб қолди. Жумладан, ишлаб чиқариш ва буюртма ҳажми бўйича ижобий баҳолар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бироз юқори шаклланди.

Тадбиркорларнинг 61 фоизи келгусида буюртмалар ҳажмининг ортиши мумкинлигини қайд этди. Хусусан, ҳунармандчилик, тиббиёт, ишлаб чиқариш ва молия соҳалари вакиллари буюртмалар юқори ўсишини кутмоқдалар.

Меҳнат бозорида ҳам фаоллик келгусида сақланиб қолиши кутилмоқда. Жумладан, молия, туризм, ишлаб чиқариш ва ҳунармандчилик соҳаларида келгуси даврда қўшимча ишчи кучига эҳтиёж нисбатан юқори ошиши таъкидланди.


Ёқилғи ва энергия истеъмоли ошиши бўйича кутилмалар эса бироз камайди. Хусусан, қурилиш, маиший хизмат, тиббиёт ва ҳунармандчилик тармоқларида пастроқ кутилмалар шаклланган.

Ушбу ҳудудда сўровномада иштирок этган бизнес субъектларининг 73 фоизи (2025 йилнинг I чорагига 66 фоиз) келгуси уч йилда мамлакат иқтисодиётида ҳамда бизнес муҳитида ижобий ўзгаришлар бўлишига ишонч билдирди.


22-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



23-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



24-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





Жиззах, Сирдарё

2026 йилнинг I чорагида Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ўтказилган сўров натижалари тадбиркорлик муҳотидаги ижобий тенденциялар барқарор сақланаётганини кўрсатди. Хусусан, тадбиркорлик субъектларининг 63 фоизи бизнес шароитлари яхшиланганини таъкидлади ва ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан 9 фоиз бандга юқори бўлди.

Ишлаб чиқариш, туризм, молия ва таълим соҳаларида бизнес муҳитининг яхшиланганини қайд этган тадбиркорларнинг улуши сезиларли ошди.

Тадбиркорлар банк хизматлари, кредит олиш имкониятлари, рақобат муҳити ва йўл-транспорт инфратузилмаси яхшиланганини энг муҳим ижобий омиллар сифатида кўрсатдилар. Энергия таъминоти, монополлашув даражаси ҳамда божхона тарифларида ижобий ўзгаришлар бўлганини қайд этганлар улуши ҳам ўтган йилнинг мос даврига нисбатан кўтарилган.


Ушбу чорақда иқтисодий фаоллик кўрсаткичларида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилди. Хусусан, буюртмалар ҳажми ошганини таъкидлаган бизнес субъектларининг улуши ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан 5 фоиз бандга ошиб, 55 фоизни ташкил этди. Бунда ишлаб чиқариш, таълим, маиший хизмат ва умумий овқатланиш соҳаси вакилларининг асосий қисми буюртмалар ошганини қайд этишган.

Шунингдек, ишлаб чиқариш, молия ҳамда қурилиш соҳаларида электр энергияси ва ёнилғига талаб юқори шаклланган.

Ишчи кучига эҳтиёжнинг ортиши эса ишлаб чиқариш, тиббиёт, таълим ва ҳунармандчилик соҳаларида юқори бўлганлиги таъкидланди.

Кредит тўловлари кўпайганини билдирганлар улуши эса ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан 9 фоиз бандга пастроқ шаклланди. Хусусан, молия, савдо, қишлоқ хўжалиги, туризм ва ҳунармандчилик соҳалари вакилларининг асосий қисми кредит тўловлари ўзгармаганини таъкидлашган.


25-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



26-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



27-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Жиззах, Сирдарё

Корхоналарнинг 46 фоизи юқори қувватларда ишлаётганини билдирган бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4 фоиз бандга пастроқ бўлди.

Юқори қувватларда фаолият юритган корхоналар, асосан, молия, алоқа ва ахборот, таълим, умумий овқатланиш ҳамда туризм соҳаларига тўғри келди. Қувватларидан тўлиқ фойдалана олмаган тадбиркорлар эса, асосан, маиший хизмат, ишлаб чиқариш, савдо ва қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритмоқда.

Корхоналарнинг паст қувватларда ишлашига асосий омиллар сифатида энергия таъминотидаги узилишлар, айланма маблағларнинг етарли эмаслиги, солиқ тизимидаги қийинчиликлар, ёнилғи нархларининг ошиши ва ички талабнинг етарли эмаслиги кўрсатилган.

Келгуси чорак бўйича ижобий кутилмалар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бироз кўпайган. Жумладан, респондентларнинг 60 фоизи буюртмалар ҳажми ўсишини кутмоқдалар. Бу кўрсаткич айниқса, қурилиш, алоқа ва ахборот, умумий овқатланиш ва ишлаб чиқариш тармоқларида юқори бўлиши мумкин.


Меҳнат бозорида ҳам фаоллик юқори сақланиб қолмоқда. Респондентларнинг 56 фоизи қўшимча ишчи кучига талаби ошишини кутмоқда. Бунда, асосий ўсиш ишлаб чиқариш, туризм, таълим ва қурилиш соҳаларида бўлиши маълум қилинди.

Жиззах ва Сирдарё вилоятида фаолият олиб бораётган тадбиркорларнинг 66 фоизи келгуси уч йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ва бизнес муҳитининг яхшиланишига ишонч билдирган.


28-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



29-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



30-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





Қорақалпоғистон, Хоразм

2026 йилнинг I чорагида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тадбиркорлик муҳити ижобий сақланиб қолди. Сўровда қатнашган тадбиркорларнинг 60 фоизи бизнес юритиш шароитлари яхшиланганини қайд этди.

Хусусан, таълим, умумий овқатланиш, алоқа ва ахборот, қишлоқ хўжалиги ҳамда туризм соҳаларида бизнес муҳитининг яхшиланганини қайд этган тадбиркорлар улуши сезиларли ортган.

Бизнес вакиллари томонидан банк хизматлари сифати, кредит олиш имкониятлари, рақобат муҳити, шунингдек, лицензия олиш жараёнлари асосий ижобий омиллар сифатида қайд этилди. Божхона тарифлари, солиқ маъмурчилиги ҳамда йўл инфратузилмаси каби омилларда эса сезиларли яхшиланиш кузатилмагани таъкидланди.


Тадбиркорлар ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда газ ва электр таъминоти яхшиланганлиги, божхона тарифларининг соддалашганлиги ва маъмурий аралашувлар камайганлигини кўпроқ қайд этишди.

2026 йилнинг I чорагида иқтисодиётда ишлаб чиқариш бўйича ижобий муҳит сақланиб қолди. Буюртмалар ҳажми ошганини билдирган тадбиркорлар улуши 56 фоизга етди. Ушбу кўрсаткич туризм, таълим, алоқа ва ахборот, ишлаб чиқариш ҳамда қурилиш соҳаларида юқори бўлди.

Шунингдек, қўшимча ишчи кучига бўлган талаб бўйича ижобий баҳолар ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан 9 фоиз бандга ошган. Таълим, туризм, алоқа ва ахборот ҳамда умумий овқатланиш тармоқларида қўшимча ишчи кучига талаб нисбатан юқори шаклланган.

Энергия истеъмоли кўпайганини билдирганлар улуши эса ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан 15 фоиз бандга пасайиб, 45 фоизни ташкил этган. Коммунал хизмат, қурилиш, ҳунармандчилик ва савдо тармоқларидаги корхоналарнинг асосий қисми энергия истеъмолини ўзгартиришсиз қолдиришган.


31-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



32-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



33-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Қорақалпоғистон, Хоразм

Ушбу чорақда корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ёмонлашди. Жумладан, 35 фоиз тадбиркорлар нисбатан юқори қувватларда ишлаётганини маълум қилди (2025 йилнинг I чорағида 51 фоиз). Умумий овқатланиш, молия, маиший хизмат ва қурилиш соҳаларида пастроқ кўрсаткичлар қайд этилган.

Қувватдан тўлиқ фойдалана олмаётган тадбиркорлар энергия таъминотидаги узилишлар, солиқ тизимидаги мураккабликлар, ижара харажатларининг юқорилиги, айланма маблағнинг камлиги, автомобиль ёнилғиси нархининг ошиши ҳамда талабнинг етарли даражада эмаслигини таъкидладилар.

Тадбиркорлар орасида келгуси даврда иқтисодий фаоллик бўйича ижобий кутилмалар биров пасайган. Жумладан, энергияга талабнинг ортишини кутаётган респондентлар улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3 фоиз бандга пасайиб 51 фоизни ташкил қилган.

Меҳнат бозорида фаоллик сақланиб қолмоқда. Респондентларнинг 53 фоизи қўшимча ишчи кучига талаби ошишини кутмоқда. Бунда, асосий ўсиш алоқа ва ахборот, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, таълим ва қурилиш тармоқларига тўғри келмоқда.

Ташиш хизматлари, умумий овқатланиш, алоқа ва ахборот, ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларида буюртмалар ҳажми ортиши бўйича кутилмалар ижобий шаклланган.


Шунингдек, тадбиркорларнинг 51 фоизи келгусида кредит тўловлари ошишини тахмин қилмоқда. Соҳалар кесимида умумий овқатланиш, тиббиёт, ишлаб чиқариш, таълим ва ташиш хизмати соҳаларида юқори кутилмалар шаклланган.

Сўровномада қатнашган бизнес вакилларининг 67 фоизи келгуси уч йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес муҳити яхшиланишига ишонч билдирди.

34-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



35-расм. Келгуси чорақ бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



36-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда

